



Янги йилнингиз кутлуз бўлсин!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# АДОЛАТ

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

gazeta@adolat.uz

www.adolat.uz

№ 54 (859)

2011 йил, 30 декабрь, жума

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигига

## Болаларнинг янги йил қувончлари

Янги йил — барчамиз учун ёқимли, эзгу хисларга ва орзу-умидларга тўла байрам. Бу айёмни, айниқса, болалар интиқлиги билан кутади. Зеро, Янги йил улар учун кўплаб байрам тadbирларида қатнашиш, Қорбобо ва Қорқиз билан учрашиш, совғалар олиш демакдир. Тинчлик ва осойишталик ҳукм сураётган, ҳар бир бола давлатимизнинг юксак эътибори ва доимий ғамхўрлигини ҳис этиб яшаётган мамлакатимизда барча байрам тadbирлари катта шодиёналар билан ўтмоқда.

“Янги йил шодиёнлари” деб номланган ана шундай тadbирлардан бири Марказий офицерлар уйида бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган байрам тadbирларида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг ёшлари — хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган офицерларнинг фарзандлари иштирок этди.

Ўзбекистон мудофаа вазирининг ўринбосари, полковник Н.Муллабоев ва бошқалар болаларни ушбу қувончли байрам билан чин дилдан табриклаб, уларга давлатимиз раҳбарининг Янги йил совғаларини топширди.

— Бугун “Туркистон” саройида ташкил этилган “Президент арчаси” тантаналарига бордик, энди эса мазкур байрам шодиёнасида қатнашяпмиз, — дейди Ҳасан ва Ҳусан Эгамбердиевлар. — Биз, болаларга кўрсатаётган юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиздан жуда миннатдоримиз. Отамиз ҳарбий учувчи бўлган. Биз ҳам уларга ўхшаб офицер бўлмоқчимиз.

Байрам шодиёнлари Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ҳамда Қорбобо ва Қорқиз иштирокидаги концерт дастурига улашиб кетди.

Сардор **ТОЖИЕВ**, ЎЗА мухбири.

### Репортаж



## Шодиёна дамлар

2012 йил мустақил тарихимиз бўсағасида турибди. Уни барча бирдек — ёшу кекса шодиёна кутиб олиш тарафдарида. Айниқса, болакайлар интиқлигини айтмайсизми!

Ватанимизнинг Бош майдони — Мустақиллик майдонида ясалган “Эртаклар шаҳарчаси” кичиктойларнинг томошагоҳига айланганига бир неча кун бўлди. Эзгулик арчаси рўпарасида тикланган улугвор арча ва турфа декоратив манзаралар улар қалбида ажиб бир завқ, ажиб бир ҳавас уйғотмоқда. Совға-саломлар, китоблар ва ўқув жиҳозлари кўргазма — ярмаркаси катта-кичик томошабинлар билан гавжум.

Давоми 4-бетда >

## Ўтаётган кунлар шиддати

### Сарҳисоб

Юпқалашиб қолган стол тақвимининг сўнги саҳифалари биз билан хайрлашаётгандек: ахир санақли кунлардан кейин 2011 йил ҳам тарихга айланади.

Вақт ҳамишагидек шошқин ва ортга қайтмас дарё мисоли шиддат билан олдинга интилгани-интилган. Гўё кечагина Янги йилни кутиб олгандекмиз, бугун эса декабрь охири. Аммо бошқа бир ҳақиқат кўнгилга хотиржамлик бағишлайди: йил яхши ўтди, йил самарали кечди.

2011 йил бизга қайси жиҳатлари билан қадри бўлиб қолмади? Шубҳасиз, бутун йил Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида белгилаб берилган

устувор вазифаларни амалга ошириш шиори остида кечди. Зеро, мазкур концепция нафақат бир йил, балки келгуси бир неча йиллар учун ҳам фаолиятимизнинг, мустақил тараққиётимизнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи дастуриламал бўлиб хизмат қилиши аниқ.

Давоми 4-бетда >

Давоми 3-бетда >

## Вазифалар тўлақонли бажарилиши

айни вақтда партия кадрлари салоҳиятини кучайтиришга қаратилган фаолиятни янада ривожлантиришни тақозо этади



Ижроия қўмита йиғилиши

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Кун тартибидagi биринчи масала “Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг кадрлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича тadbирлар режасида белгилаб берилган партия кадрлари ва фаолларини ўқитишнинг ҳолати тўғрисида” Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати Ташкилий-партиявий ишлар бўлими бошлиғи Р.Ёдгоров ахборот берди.

Давоми 2-бетда >

Ҳаётда ҳар бир киши касб-корини, турмуш тарзини, бу ёруғ оламда яшайдан мақсад-муддоасини ўзи белгилайди. Кимдир ҳалол меҳнати билан нон топишни, маълум мулкка эга бўлишни, фарзандларини тўғри сўз, адолатли, эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялашни, жамоада, маҳаллада яхши ном қолдиришни ўйлайди. Бошқа бир киши ҳаётнинг маъно-мазмунини, яшайдан мақсад нима экани тўғрисида деярли ўйламайди, бошини қотирмайди, аксинча, ўткинчи ҳоюҳавасга, кундалик ҳузур-ҳаловатга, яхши еб, яхши ичмоқликка берилади. Бундай кишилар бола тарбиясини, эл-юрт, жамият ва келажак олдидаги ота-оналик, инсоний бурчларини унуттишади. Бу ҳам етмаганидек, ўзгаларнинг ютуқларига ҳасад қилишади.

## Оила ва маҳалла

### маънавиятнинг муҳим пойдевори

Бир қарашда бир-бирига таъмомила зид бу икки хил турмуш тарзида жиддий муаммо йўқдай. Зеро, ҳар бир киши ўз тақдири ва охиратини ўзи яратади, ўзи эккан, ўзи парваришлаган ҳосилни ўради. Шоир ёзганидек, бу дунёда ким нимани изласа шуни топади — ҳикмат излаган ҳикматни, иллат излаган иллатни. Доно халқ гараз ва ҳасад билан яшайдиган, умрида бир бор бўлсин савоб иш қилмаган, фақат ўзини, шахсий манфаатини ўйлайдиган кишиларни хушламайди, бундайлардан узокроқда бўлишни эп кўради ва, аксинча, имон-этиқодли, ҳалол-пок, меҳнатсевар, оила-

парвар кишиларни улуғлаб, иззат-икромини жойига қўяди. Бу икки ҳолатга чуқурроқ назар ташласак, шахсий турмуш тарзини белгилашнинг шарқ ва ғарбга хос икки хил жиҳатига дуч келамиз. Шарқда жамоа бўлиб яшаш, оила тўғрисида ўйлаш, болалар тарбияси билан шуғулланиш, турмушда учраб турадиган муаммоларни биргаликда, баҳамжиҳат ҳал қилиш муҳим бўлса, Ғарб мамлакатларида алоҳидалик, ўзи учун курашиш ва ўзига имкон ва шароит яратиш ҳисси устунлик қилади.

Давоми 4-бетда >

## Янги авлоднинг ишончли одимлари



Фаолият

Мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби, саноатда ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида юртимизда жаҳон андозаларига мос, ўта замонавий технологиялар билан қуролланган ўнлаб корхоналар фаолият юрита бошлади. Энг асосийси эса бундай корхоналарда ўзимизнинг ҳар томонлама етук миллий кадрлар, жумладан, ёшлар меҳнат қилаётганидир. Мутахассис ёшлар орасида хорихдан малака ошириб қайтганлари ҳам кўпчиликини ташкил этади. Шундай корхоналар қаторида “Шўртаннефтгаз” унитар шўъба корхонаси алоҳида ажралиб турибди.

Давоми 7-бетда >

# Партия ҳаёти

## Вазифалар тўлақонли бажарилиши

айни вақтда партия кадрлари салоҳиятини кучайтиришга қаратилган фаолиятни янада ривожлантиришни тақозо этади

Давоми. Бошқа 1-бетда

Демак, ҳудудий партия ташкилотларида сиёсий ўқувлар ўтказиш, ўқувларнинг сифат даражасини ошириш муҳим ҳисобланади. Мазкур устувор вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Адолат" СДП ўз фаолияти давомида кадрлар салоҳиятини ҳамда билим ва кўникмаларини шакллантириш билан биргаликда партия фаолларини сиёсий билиминини мунтазам ошириб бориш мақсадида қатор амалий тадбирларни ташкиллаштириб келмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўзида бир қанча семинар-тренинг ва сиёсий ўқувлар ўтказилган бунга мисоллар. Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун доирасида сиёсий партиялар учун яратилган кенг имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик корпуси олдида қўйган вазифаларни тўлақонли бажариш хозирги кунда партия кадрлари салоҳиятини кучайтиришга қаратилган фаолиятни янада ривожлантиришни тақозо этади.

қаторига аҳолининг турли даражадаги маҳаллий ижро ҳокимиятидан тортиб давлат ҳокимиятининг марказий органларигача бўлган алоқасини таъминлаб берувчи тузилма яратиш масаласи ҳам кирди. Бу жараёнда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари фаолияти муҳим ўрин тутди. Айнаи депутатлик корпуси ёрдами билан партия иқтисодий-иқтисодий дастурлар ечимиде иштирок этади, назорат қилади, юзага келган муаммоларни ҳал этади, ўз дастурий вазифаларини амалга оширади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши ҳамда партиявий тузилмалари томонидан 2009-2010 йиллардаги сайлов кампаниялари давомида жойларда ишга лаёқатли депутатлик корпусини шакллантириш бўйича муайян ютуқларга эришилди. Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига партиянинг

таъсирини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси юклатилган эди.

Йиғилишда мазкур вазифалар доирасида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Наманган вилояти ҳамда Поп туман Кенгашининг бу борадаги фаолиятига танқидий ёндашиб, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига бўлиб ўтадиган келгуси сайловларга тайёргарлик кўриш бўйича 5 йилга мўлжалланган комплекс дастур ишлаб чиқилиши ва ҳар бир йил учун алоҳида ташкилий-техник чора-тадбирлар мажмуаси белгиланганлиги тўғрисида партиянинг вилоят Кенгаши раиси Х.Аҳмедхаджаевнинг ҳисоботи эшитилди.

Муҳокама қилинган жараёнда Ижроия қўмита аъзоси Қ.Жўраев навбатдаги сайловларда аёл номзодларнинг иштироки масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади ва бу борада



19 нафар аъзоси, Халқ депутатлари вилоят Кенгашига 68 нафар, шаҳар, туман кенгашига эса 370 нафар вакиллар сайланди, бу 2004-2005 йилги сайлов натижаларига нисбатан кўрсаткич қарийб 2-2,5 баробарга яшилди демакдир. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларида 84 та депутатлик гуруҳлари шакллантирилган.

Эришилган ютуқларга қарамай, айнаи пайтда бу борадаги ташкилий-партиявий, тарғибот-ташвиқот ишларини қоникорли деб бўлмайди. Сайлов кампанияси давомида йўл қўйилган ҳаттолар партиянинг 2010 йил февраль ойидаги Сиёсий Кенгаш Ижроия Қўмитаси йиғилишида атрофлича таҳлил қилиниб, қабул қилинган қарорга мувофиқ, маҳаллий партия Кенгашилари зиммасига йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариш, депутатлик корпусига партия

ўзининг зарур тавсиялари билан ўртоқлашди. Шунингдек, Ижроия қўмита аъзолари Х.Маматов ва З.Ботировалар қарор лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан ўз тақлифларини билдиришди. Мазкур масала юзасидан Поп тумани тажрибасини барча ҳудудий партия ташкилотларида қўллаш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва унинг ижроси бўйича мониторинг олиб боришга оид қарор қабул қилинди.

Шунингдек, йиғилишда партиянинг 2011 йил давлат бюджетидан молиялаштирилган харажатлар қисмига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Илс САХАТОВ, "Adolat" мухбири.

### Ҳудудий партия ташкилотларида

«Адолат» СДП фаоллари ва партиянинг маҳаллий Кенгашиларидаги депутатларнинг Самарқанд туманидаги ўрта саноат корхонасига таширфи самимий мулоқотларга улашиб, ҳар уччала меҳнат жамоасида ҳам бошланғич ташкилотларга асос солиниди, 50 кишига партиянинг оъзолик билетлари топширилди.

Самарқанд туманида "Адолат" СДПнинг дастурий голяридан хабардор ва уни фаол амалий харакатлари билан қўллаб-қувватлашга тайёр кишилар кўпчилигини ташкил этади. Ўз навбатида партиянинг туман Кенгаши депутатлар ёрдамида иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳудудий дастури ижросини таъминлашда тобора фаолроқ иштирок этиб, электротартибни оқлашга интилоқда. Пировадда, партия тарғиботлари кўпайиб, биргаликда харакат қилиш ва сиёсий ташкилот мақсадида мос муқобил лойиҳаларни амалга оширишнинг реал имкониятлари пайдо бўлмоқда. Бу саноатда ҳам кишлоқ ҳўжалигида ҳам партиявий ваколатлардан келиб чиққан ҳолда инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали янги оқолиш суръатларини таъминлаш, ички ва ташқи бозорда бирдек рақобатбардор мақсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, ёш мутахассисларни ўз иқтисодиклари бўйича ишга жойлаштириш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш, коммунал соҳада тартиб ўрнатиш сингари долзарб масалалардаги ўзига хос ёндашуларда яққол намоён бўлмоқда.

Демак, «Адолат» СДПнинг Самарқанд вилоят Кенгаши сиёсий ишлар самардорлигини таъминлаш ва депутатлар фаолиятини аниқ мақсадларга йўналтириш борасида ортирилган тажрибаларни нафақат ўрганиш, балки кенг омаллаштириш учун ҳам шаҳар ва туман партия Кенгашилари раислари ҳамда маҳаллий Кенгашилар депутатларини айнаи Самарқанд туманига ўқув-семинарларга тақлиф этгани бежиз эмас. Зотан, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар давомида ишчи ва жамиятда янгилаш жараёнлари изчиллигини таъминлаш — бугунги кунда ҳар бир фуқародан фаолиликни тақозо этади. Бунда меҳнат жамоаларида тузилган ва одамлар билан ҳар кун, ҳар соат мулоқотда бўлаётган бошланғич партия ташкилотларининг қўйилган ташаббус билан чиқиши ёки сайловчилар мувожазига хозиржавоб депутатнинг сиёсий ишчанлик фаиллати шубҳасиз, катта ўрин тутди.

Партиянинг вилоят Кенгаши ана шундай мулоқотлар асосида ўз фаолиятига танқидий ёндашаётганлигини унинг янги иш режаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Режага мувофиқ партиянинг шаҳар ва туман Кенгашилари жойлардаги меҳнат жамоаларида ҳафтасига биттадан бошланғич ташкилот тузишлари белгилаб қўйилган. Яқинда туманда бир кунда ўрта БТТ

## Ҳар бир мулоқот — сиёсий ишчанликка даъват



тузилгани эса бу муҳим ташкилий ишга нечоғли масъулият билан ёндашилаётганлигини кўрсатиб турибди. Қолаверса, гап — фақат бошланғич ташкилот тузилишида эмас, муҳими, улар фаолиятини Кенгаш талабларидан келиб чиққан ҳолда янги вазифа ва голяр билан ўзаро мувофиқлаштириб боришдадир. Шу нуктаи назардан туман партия Кенгаши раҳбарлигида БТТларнинг ишчанлиги, иқтисодий муаммоларга мос ечим топа олишлари кўп нарсани аналтади.

Семинар иштирокчилари дастлаб тумандаги «Стеклопластик» корхонасида бўлиб, бу ерда модернизациялаш жараёни амалда қандай наф келтираётганлиги билан қизиқдилар. Таъкидлаш лозим, маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб, юқоқ сифатли мебель, тиббиёт ва спорт ускуналари — жиҳозлар, «ИСУЗИ» автобилларнинг бутловчи қисмлари тайёрлаётган мазкур корхона бугун вилоятда ўзига хос салоҳиятга эга корхоналардан ҳисобланади. Маҳаллийлаштириш дастури асосида яратилган имтиёзлар корхонага каттагина маблағ тежаб қилиш ва шу сўбдан 400 минг АҚШ доллари қийматидеги замонавий технологияни харид қилиш имконини берди.

Тумандаги экспортга йўналтирилган замонавий қурилиш ашёлари ишлаб чиқарувчи «СамРоско» кўша корхонасида ўтган мулоқот эса партиянинг янги тарғиботдорларини аниқлашга хизмат қилди. Бу ерда ёш мутахассис Улўбек Мардонқулов раҳбарлиги-

да партиянинг бошланғич ташкилоти тузилиб, «Адолат» СДПнинг 20 нафар вакилига аъзолик билетлари топширилди. Шунингдек, семинар иштирокчилари «Гулбод» корхонасига таширфи чотида бу ердаги қўлай инвестицион муҳит, хусусан, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашда иқтисодий адолат меъёрига амал қилинаётгани ва янги мақсулот ишлаб чиқариш мунтазам рағбатлантириб борилаётгани жамоанинг умумий ютугини таъминлашда зарур омили бўлмоқда, деган хулосага келишди. Бу ерда ҳам ўн нафар партия аъзосини бир-бирининг янги БТТ тузилиб, ташкилот зиммасига маъмурият билан ҳамкорлик қилишнинг аниқ вазифалари қўйилди.

Семинар давомида туман партия Кенгашининг раиси Эҳро Куддусова, тажриба ўрганиш учун таширфи буорган партиядошларига иқтисодий-иқтисодий масалалар моҳияти депутатлик корпуси томонидан нечоғли чуқур таҳлил этилаётгани ва шу аснода зарур тақлифлар тайёрланаётгани ҳақида сўзлаб берди.

Бунинг учун, — деди у ўз сўзида, — депутатлар партия Кенгаши билан доимий алоқада бўлиб, фаолиятларининг янги-янги қирралари белгилаб олмақдалар. Партия фаоллари ва депутатлар ҳамкорлигида аҳолининг ҳуқуқий, сиёсий саводхонлигини ошириш мақсадида ўқув машғулотлари ташкил этилаш ва бу машғулотларга таниқли иқтисодчи, ҳуқуқшунос, сиёсатшунос олимларни жалб этаёмиз. Мақсад — партия Кенгашининг ҳар

бир раҳбари, ходими, ҳар бир депутат омма билан мулоқотда сиёсий ташкилотнинг мақсад-вазифаларини тўғри, малакали таърифлай олишга, ва жамиятдаги янгилаш жараёнларидан электротартиб вақтида воқиф этишга эришяёмиз...

«Гулбод» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган учрашув чоғида семинар иштирокчилари партия ходими ва депутат учун сиёсий хозиржавоблик фаиллати нима учун зарур эканлигини яна бир қарра чуқур аналб етдилар. Чунки, маҳаллада яшовчи фуқаролар партия фаолларига ўзларини қизиқтирган кўндан-кўп масалалар билан муножот қилишди. Партиянинг ёш мутахассисларини иш билан таъминлаш борасидаги муаммоларини ҳал этишдаги иштирокчи билан

қизиқдилар, деди унинг олдидан. — Семинардаги мулоқотлар давомида ўз фаолиятимиз учун фойдали бўлган талайгина жиҳатлар билан аниқлаб олдик, — дейди партиянинг Пайриқ туман Кенгаши раиси Лапас Усаров. — Муҳими, Самарқандда "Адолат" СДП бугунги кунда "Фаолиятга танқидий ёндашиб, депутатлар ва БТТлар билан ягона сиёсий платформада харакат қилиш зарурлигини илғаб олаётганида. Демак, электротартиб манфаати бизни тобора ҳамжихатликка ундаёпти. Ҳар бир мулоқот — партия фаолиятини сиёсий ишчанликка қорламоқда.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, "Adolat" мухбири.

## Фаолият сарҳисоби: ютуқ ва муаммолар

### «Ёш адолатчилар»

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратида «Ёш адолатчилар» қанотининг 2011 йилги фаолияти юзасидан ҳисобот семинари бўлиб ўтди. Тодбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатоси депутатлари, партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, «Ёш адолатчилар» қаноти фаоллари иштирок етдилар.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон "Адолат" СДП «Ёш адолатчилар» қаноти республикамиздаги юрт равнақи учун ўзини масъул деб билган, иқтисодий-сиёсий жиҳатдан фаол ҳамда ташаббускор ёшларни жамлашда ҳолда кенг қўллади фаолият олиб бормоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар ҳамда туман (шаҳар) партия Кенгашилари қошида ташкил этилган ҳудудий «Ёш адолатчилар» қанотлари ўқув юртлари, меҳнат жамоалари қошида ёшлар билан ишлаш, уларни Ватан равнақи йўлида бирлаштириш, мустақил фикрловчи, ўзининг катъий ҳаётий эътиқод ва қарашларига эга бўлган ўғил-қизларни тарбиялаш, иқтисодий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг касб-хунар эгаллаши, иқидий-интеллектуал салоҳиятини намоён этиши учун қатор лойиҳаларни амалга оширмоқдалар. Бунинг самараси социал-демократия голяларини қўллаб-қувватловчи, мустақил фикр ва кенг дунёқарашга эга, фаол ёшлар ҳисобига партия аъзоларининг ўсаётганлигида намоён бўлмоқда.

Феруза Омонова, Ўзбекистон "Адолат" СДП «Ёш адолатчилар» қаноти раиси:

— Жамиятнинг ташаббускор, иқтисодий-сиёсий жараёнлардаги энг фаол қатлами ҳисобланмиш ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, билим ва салоҳиятларини тўла намоён этишлари учун уларга етарли имконият ҳамда шароитларни яратиш бериш юрт иқтисодини белгилаб беради. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фаолиятида ҳам ёшлар сиёсати муҳим ўрин тутди. Партия Дастурида белгиланган вазифаларга амал қилган ҳолда ёшларга жамиятнинг муҳим қатлами ва келажаги сифатида эътибор қаратади, мамлакатда янги инновацион иқтисодиёт юзга келаётган, таълим тизими таррақий топаётган, бандлик даражаси ўсаётган, соғлом турмуш тарзининг ажойиб имкониятлари яратилаётган, мустаҳкам фуқаролик позицияси шаклланиб бораётган бир шароитда салоҳиятли йигит-қизларни ўз дастурий мақсадлари билан амалга ошириш йўлида сафарбар этишни асосий мақсад деб биллади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон "Адолат" СДП республикамиздаги барча ҳудудларида «Ёш адолатчилар» қанотлари ёшларни мамлакат ва жамиятда юз бераётган иқтисодий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар жараёнига жалб қилиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий онг ҳамда тафаккурини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юрт равнақи йўлидаги голяларини амалга оширишларида ҳар томонлама кўмакчи бўлмоқдалар.

Хусусан, ёшларнинг бугунги сиёсий жараёнларда фаол иштирокчини таъминлаш мақсадида яқунланаётган 2011 йил давомида жойларда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи", "Спорт менинг ҳаётим", "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз", "Мустақил Ватан фарзандимиз", "Юксак маънавият — мувафакқият мезони", "Белбоғли кураш — Ўзбекистон "Адолат" СДП

этиборида", "Мардлар қўриқлайди Ватанини", "Истиқбол менинг тақдиримда", "Ёшлар соғлом ҳаёт тарзи тарғиботи", "Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид ислохотларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда ёшларнинг иштирокини таъминлаш механизми" каби кўпжа мавзуларда илмий-амалий конференция, семинар, давра суҳбатлари ташкил этилганлиги фикримизнинг исботидир.

Шухрат Алибаев, Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар «Ёш адолатчилар» қаноти раиси:

— Ёшлар билан фаол иш олиб борилаётганлиги туфайли бугунги кунда партиянинг ёш аъзолари сифати кенгайиб бормоқда. Айнаи пайтда партия аъзоларининг 43,2 фолидан кўпрогини 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади.

Дилором Абдуғафорова, Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти партия Кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти раиси:

— Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган бошқа сиёсий партияларнинг фаолиятини ҳам кузатиб бораман. Бу менга партиямиз ва улар фаолиятини таққослаш имконини беради. Партиямиз бошқа партияларга нисбатан анча ёши. Демак, ёшларга хос шижоат партиямизга ҳам тегишли. Бундай ғайрат-шижоатни кучайтириш, билдирилган умид-ишончини оқлаш, партиямиз голяларини юзга чиқариш эса биз, «Ёш адолатчилар» қаноти аъзолари зиммасига катта масъулият юклайди. Энг асосийси, ўтказилган ва келгусида режалаштирилган тадбирларимиздан қўзланган асосий мақсад, Президентимиз томонидан илгари сўрилган, халқаро экспертлар томонидан тан олинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"ни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёш авлод онгига мамлакатимизда сиёсий, иқтисо-

дий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар самарасини сингари, ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, мустақил фуқаролик позициясини шакллантириш, замон билан ҳамнафас бўлиш, миллий ўзлигини аналлашда кўмаклашишга қаратилган.

Президентимиз томонидан 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши муносабати билан партия олдига турган вазифалар ҳақида атрофлича фикр юритилди. Шунга алоҳида ургу берилдики, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш, навқирон авлоднинг бугунги глобаллашув жараёнида жаҳон миқёсида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардорлигини оширишда фаол, ташаббускор, айрим муаммоларини ҳал этишда эса оғоҳ ва ҳушёр бўлиши зарур эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Партия фаоллари «Ёш адолатчилар» қанотининг ёшлар билан ҳамкорлиги ўз самарасини бераётганидан мамнунар. Аниқроқ айтганда, шижоатли ва фидойий «Ёш адолатчилар» партия парлоқ келажани барпо этишда хал қилувчи куч сифатида партия қанотлари — муносиб ворисларни воёга етишида фаоллик кўрсатишмоқда.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаб ўтиш кераки, «Ёш адолатчилар» қаноти фаолиятида ҳали ўз ечимини кузатиётган бир қатор масалалар ҳам мавжуд. Жумладан, «Ёш адолатчилар» қанотининг ҳудудий тузилмалари фаоллигини янада ошириш, ўзлаштирилган тадбирлар сифати ва саломатини яхшилаш, фаолият самардорлигини таъминлашга хизмат қиладиган янги усулларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш талаб этилади.

Нурбек АБДУХАЛИЛОВ, "Adolat" мухбири.

# XALQ BANKI

## жамоаси

Сизни кириб келаётган Янги - 2012 йил билан самимий муборакбод этади.

Янги йил барчамизга тинчлик-омонлик, оилавий бахт ва дастурхонимизга кут-баракани олиб келсин.



# Қайта тикланувчи энергия манбалари

## ривожланишнинг концептуал йўналишлари

Давоми. Боши 1-бетда

Соҳани тарғиб қилиш, уни ривожлантириш мақсадида муқобил энергияга оид рисола ҳам чоп этирилди. Бу тадбирлар ўз самарасини бераётганлиги қувончли, албатта. Бевосита партия кўмагида муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ишга туширилди. Энг асосийси, тадбиркорликнинг бу янги кўриниши аҳолида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси ташаббуси билан "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари" мавзусида ташкил этилган давра суҳбатини бошқаришнинг узвий давоми дейиш мумкин. Парламент қўйи палатаси депутатлари, Ўзбекистон Фанлар Академияси энергетика соҳасининг етакчи олимлари ва мутахассислари, вазирлик ва идоралар, корхона ва ташкилотлар вакиллари, хорижлик мутахассислар иштирокидаги навбатдаги тадбир қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари қизгин муҳокама қилинганлиги билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси раҳбари И.Саифназаров кириш сўзи билан очиб, соҳа ривожига эътибор кўчайиб бораётганлигининг сабабларига тўхтади.

— Бугун мамлакатимизда қайта тикланувчи, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги ишлар янада кўчайиб бораётганлиги, — деди нотиқ. — Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон энергия ресурсларига бой мамлакат. Бирок дунёда энергияга бўлган талабнинг кўчайиб бориши, ўз навбатида энергия захираларининг 30-40 йиллар орасида поёнига етиши борасидаги фарзлар ўрта ва узоқ муддатли стратегияда нефть ва газ ўрнини боса оладиган муқобил энергияларни ривожлантириш зарурлигини юзага келтирди. Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистонда ҳам энергия истеъмолининг ошиб бориши, афрор-муҳит муҳофазасига оид муаммолар нисбатан арзон, экологик тоза, муқобил, қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш зарурлигини янада ошириши, шубҳасиз. Шу боис, бу борадаги тадбирларни янада кўчайтириш лозим. Мазкур давра суҳбати эса, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг концептуал йўналишларини янада аниқ белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этди.

"Ўзбекэнерго" ДАК ва ЎЗР ФА Энергетика ва автоматика институтининг "Электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришнинг салоҳиятли концептуал йўналишлари, улардан қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш асосида фойдаланиш" деб аталувчи қўшма лойиҳаси Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси ташаббуси билан якунига етказилди. Шу муносабат билан "Ўзбекэнерго" ДАК бошқаруви раиси Б.Тешабоев Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли концептуал йўналишлари тақдими хусусида сўзга чиқди.

Тақдимида мамлакатимизда энергетика соҳасидаги иқтисодий вазият, макроиктисодий кўрсаткичлар истиқболи, ёқил энергетикасининг захиралари ва уларнинг истеъмол қилиниши, истеъмолчиларни иссиқ-



Р.НАЗАРМатов олдан сурат

лик ва электр энергияси билан таъминлаш ҳолати, соҳанинг асосий муаммолари, узоқ ҳудудларни энергия билан таъминлаш каби масалалар таҳлил қилинди. Тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга эришилган утуқлар, хусусан, Чорвоқ сув саклаш хавзасида фойдаланиш объектлар эҳтиёжлари учун иссиқлик ва электр энергиясини ҳосил қилиш мақсадида қуёш коллекторлари ва панелларини ўрнатиш каби амалий ишлар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди. Жумладан, ҳозирга қадар мамлакатимиз ҳудудларидаги юқоридаги каби объектларнинг 150 тадан ортиғига шундай мосламалар, яъни қуёш коллекторлари ва шамол кўчи билан электр олишга мўлжалланган замонавий технология воситалари ўрнатишга бўлиб, улар самарали ишлаб турибди.

Нотиқ ўз сўзида инсониятнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи жиддий таҳдидлар ҳақида гапирар экан, бунда аввало, энергия ресурслари етишмовчилиги ва унинг оқибатида келиб чиқувчи, энергетик, иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигига солинадиган таҳдидлар алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши бораётганлиги, жаҳон, ривожланаётган мамлакатлар ва Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари башорати, 2005-2010 йилларда иқтисодий соҳалари кесимида ва аҳоли томонидан электр энергияси истеъмоли, 2011-2015 йилларда электр энергетиканинг устувор ривожланиш дастури каби мавзулар аниқ мисолларда таҳлил қилинди. Шу билан бирга, Ўзбекистонда ҳудудлар кесимида қуёш нурланишининг ялли потенциаллари, шамол энергиясининг

техник потенциали бўйича маълумотлар, жорий этилган қуёш фотоэлектрик тизимлари ва шамол энергетик қурилмалари, мамлакатимиз турли ҳудудларида ўрнатишга қуёш ва шамол қурилмалари ҳақида батафсил маълумот берилди.

— Ўзбекистон ҳудуди бўйича кўриб чиқилган қайта тикланувчи энергия манбалари турларининг ялли ва техник салоҳиятига берилган баҳо таҳлили қуйидаги хулосаларни чиқаришга асос бўлади, — деди Б.Тешабоев. — Қайта тикланувчи энергия манбаларининг экологик хавфсизлиги, энергия ресурсларининг етарлилиги, бундай манбаларнинг қатор турларини республиканинг бутун ҳудудида топшиш мумкинлиги яқин истиқболда ҳам, узоқ истиқболда ҳам мўлжалланган миллий энергия ресурсларидан фойдаланиш

дан турли мулк шаклларидаги объектларда фойдаланишни ривожлантиришни таъминловчи, қайта тикланувчан энергия манбалари соҳасидаги тегишли стандартлар ва норматив актиларга мувофиқ келувчи қонунлар тўғрисида ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга берилган баҳо таҳлили қуйидаги хулосаларни чиқаришга асос бўлади, — деди Б.Тешабоев. — Қайта тикланувчи энергия манбаларининг экологик хавфсизлиги, энергия ресурсларининг етарлилиги, бундай манбаларнинг қатор турларини республиканинг бутун ҳудудида топшиш мумкинлиги яқин истиқболда ҳам, узоқ истиқболда ҳам мўлжалланган миллий энергия ресурсларидан фойдаланиш

энергия салоҳиятини баҳолаш ва давлат ҳисобига қўйиш ҳам асосий чора-тадбирлардан эканлиги таъкидланди.

— Қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича асосий чора-тадбирлардан яна бири, — деди Б.Тешабоев, — уларнинг ҳар хил турларини санаят аҳамиятидаги объектларда электр ва иссиқлик энергиясига айлантиришни таъминловчи технологиялар ва техник воситаларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар, тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш, Республиканинг турли ҳудудларида қайта тикланувчан энергия манбалари асосида тажриба ва тажриба-санаят энергетик қурилмаларини тайёрлаш, энг асосийси, қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тизimini ташкил қилишдир.

Энергетика ва автоматика институти лаборатория мудири, академик Р.Зоҳидовнинг "Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг қўллаб-қувватлаш чоралари ҳақида"ги маърузаси ҳам тингланди.

— Энергиянинг муқобил турларидан оқилона ва самарали фойдаланиш юрт тараққиётига, халқ фаровонлигига хизмат қилади, — деди Р.Зоҳидов. — Бошқача айтганда, тоза, муқобил энергия — ёрқин истиқбол сари йўлдар. Бугун бу масаланинг долзарблик касб этиётганлиги ва инсоният учун яқин келажакда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаслигининг боиси шунда. Демак, шундай экан, муқобил энергиядан фойдаланиш соҳасининг меъърий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш лозим. Шу билан бирга, муқобил энергия манбаларини ривожлантиришда фундаментал, илмий-техник ва инновацион лойиҳалар самарадорлигини ошириш, муҳими, бу борадаги мавжуд қонунчиликни янада тақомиллаштириш талаб этилади.

Шунингдек, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси А.Ақромов "Қайта тикланадиган

энергетика соҳасидаги қонунчилик: Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси" мавзусида сўзга чиқди.

Таъкидландики, Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергетика соҳасидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари — Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармон ва Қарорлари, 1997 йилда қабул қилинган "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги ҳамда "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралдаги энергетика соҳасини модернизация қилишнинг 2009-2013 йилларга мўлжалланган дастури асосида мустаҳкамланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси ташаббусига кўра қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича тайёрланган қонун лойиҳаси ҳозирги кунда муҳокама қилинган бўлмоқда.

— Айни пайтда дунё бўйича истеъмол қилинаётган барча энергиянинг 13,5, электр энергиясининг эса 18 фоизини қайта тикланадиган энергия ташкил этади, — деди А.Ақромов. — Ривожланиш босқичидан келиб чиққан ҳолда бу рақамлар йилдан-йилга ўсишда давом этмоқда. Жаҳоннинг 85 та мамлакатда КТЭМ сиёсатини қўллаб-қувватловчи ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Кўпгина давлатларда соҳани ривожлантириш миллий сиёсати жами ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг муайян қисми, яъни 5 фоиздан 30 фоизгачаси, умумий энергиянинг эса 10 фоиздан 20 фоизгачаси КТЭМ орқали ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Жумладан, 2020 йилгача ва келгусида Бразилияда 75 фоиз КТЭМ орқали электр энергияси ишлаб чиқариш, Хитойда жами истеъмол қилинаётган энергиянинг 15 фоизини КТЭМ орқали ишлаб чиқариш белгилаб олинган. Айниқса, ўтган 2008-2009 йиллар қонунчилик соҳасида анча сермахсул бўлганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Аксарият мамлакатларда айнан ана шу йиллар мобайнида асосий қонунлар қабул қилинди ёки амалда қонунларга бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, 2009 йилнинг ўзида Австралия, Австралия, Бельгия, Бразилия, Канада, Хитой, Кипр, Чехия, Дания, Эстония, Франция, Германия, Греция, Венгрия, Эрон, Ирландия, Исроил, Италия, Жанубий Корея, Литва, Люксембург, Голландия, Португалия, Испания, Сингапур, Швеция, Швейцария, Туркия, АҚШ, Хиндистон ва Монголия давлатлари ўзларининг миллий Қонунларини қабул қилди. Бу борада Европа Иттифоқида катта тажриба тўпланган. Бундан ташқари, КТЭМни ривожлантириш Европа Иттифоқи энергетика сиёсатининг муҳим элементларидан бири

ҳисобланади. 1997 йилда қабул қилинган стратегик ҳужжатда ЕИда 2010 йилгача КТЭМ ҳиссасининг 12 фоиздан паст бўлмашлиги белгилаб қўйилган эди. Бугунги кунда ушбу кўрсаткич салкам 15 фоизни ташкил этаётганлиги КТЭМ афзалликлари юқори эканлигидан далolat-дир.

Давра суҳбатида баҳс-мунозараларга кенг ўрин берилди. Хусусан, "MIRSOLAR" МЧЖ директори А.Мирзабаев "Ўзбекистонда фото электростанцияларини татбиқ этиш тажрибалари", "Фотон" ОАЖ бош муҳандиси ўринбосари Л.Сандлер "Қуёш энергияси ускуналарини санаят асосида ишлаб чиқариш", Ўзбекистон Экоҳаракати Марказий Кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари С.Сангинов "Муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг экологик афзалликлари", Урта-чириқ туманидаги "Ихлос Бизнес-Барака" хусусий корхонаси раҳбари М.Менглиев "Чиқиндилардан биогаз, биоуғит ҳамда чорва учун витаминли қўшимчалар ишлаб чиқариш" мавзусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек, Жанубий Кореядаги "Semung electric" Co.LTD Бош директори До Мок Янг Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришда ҳукумат томонидан берилётган юксак эътибор хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини гапириб, бу борада доимо ҳамкорликка тайёр эканлигини билдирди.

— Юртимиз иқлим шароитида қуёш, сув, шамол, биогаз сингари ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишнинг улкан имкониятлари мавжуд, — деди "Интеллект-диалог" МЧЖ директори У.Салиев Ўзбекистонда шамол энергиясининг фойдаланиш тажрибалари хусусида гапирар экан. — Мамлакатимизда доимий шамол эсиб турадиган очик ҳудудлар кўп. Йилнинг қариб 300 кун қуёшли бўлади. Бу қуёш нурланиши Португалия кўрсаткичларига тенглигини ёхуд мамлакат ёқил энергетика ҳақида муносиб ўринга эга бўлган Япония кўрсаткичларидан икки баробар юқори эканлигини кўрсатади. Бундай табиий салоҳият жаҳон миқёсида тобора оммалашиб бораётган юқори самарали муқобил энергия манбаларидан фойдаланишда жуда кўл келадиган ҳолда, мамлакатимизнинг барча жаҳалларида муҳтарам Юртбошимиз раҳнамуволига барпо этилаётган намунавий лойиҳалар асосидаги турар-жойларнинг қурилиш лойиҳасига муқобил энергия ускуналарини ҳам ўрнатишни киритиш мақсадаги муносабатлар бўлар эди.

Дарҳақиқат, давра суҳбатида таъкидланганидек, — мамлакатимизда энергия истеъмолини камайтириш ва уни тежашнинг самарали тизимини жорий этишга муҳим вазифа сифатида эътибор қаратилиб, қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш жараёнида тежамкор, замонавий технологияларни қўллаш қўламини кенгайтириш бормоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Наманган ва Сирдарё вилоятларида қўллаб қуёш станциялари, Тошкент, Жиззах, Андижон ва Қашқадарё вилоятларида эса биогаз қурилмалари ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди.

Муҳтасар айтганда, амалга оширилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар замирида халқ фаровонлиги, юрт тараққиёти ётибди.

Давра суҳбати якунида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Фарҳод ЭСОНОВ, "Адолат" мухбири.


**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўз фаолиятида муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланишни кенг йўлга қўйиш масаласини муҳим вазифа деб билади. Зеро, партиямиз сайловда дастурида келтирилганидек: «...қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни асослаш, унинг механизмларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва татбиқ этиш масалалари партия диққат марказида бўлади. Партия энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратади».**

стратегиясини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. Жаҳонда қайта тикланувчи энергия манбаларини ўзгариш ва уларни қўллашга доир технологиялар борасида эришилган тараққиёт республиканинг энергия бўлган аҳтисежини узоқ истиқболга мўлжаллаб қондириш имкониятидан далolat беради. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан санаят аҳамиятидаги миқёсларда фойдаланиш республикада табиий газнинг электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун истеъмол қилинишини, демакки, афрор-муҳитга зарарли чиқиндилар даражада камайтиришга имкон беради. Асосланган техник иқтисодий чегарада марказлашмаган энергия таъминотига ўтиш йўли билан қайта тикланувчан энергия манбаларининг ҳар хил турларидан кенг миқёсда фойдаланиш қишлоқ жойлардаги, айниқса, бориш қийин бўлган жойлардаги, айни дамда электр, иссиқлик таъминоти йўқ бўлган ёки энергия таъминотида тақчиллик сезилаётган объектларнинг энергия билан таъминлаш имкониятини оширишга доир қатор муаммоларни ҳал этишга шароит туғдиради.

Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича асосий чора-тадбирлар масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди. Жумладан, қайта тикланувчи энергия манбалари-

баларидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича мақсадли Давлат соҳаларо комплекс дастурини, шунингдек, 2020 йилгача бўлган даврининг электр ва иссиқлик энергияси таъминоти учун қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантиришга доир минтақавий, соҳа, объект дастурларини ишлаб чиқиш муҳимлиги қайд этилди. Гидроэнергия ресурслари, қуёш нурлари, шамол оқимлари, ерости, биомасса иссиқлигини комплекс тадқиқ этиш, уларнинг техник

Жаҳон, ривожланаётган мамлакатлар ва Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари башорати



## “Адолат” СДП билимдонлари тақдирланди!

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Матбуот хизмати ташаббуси билан ташкил этилган "Адолат" СДП билимдони" совринли викторинаси ўз низоҳисига етиб, голиблари аниқланди. Кеча партия Марказий Кенгашининг янги йил муносабати билан ташкил этилган тадбирида викторина голиблари махсус диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Ўзининг сиёсий фаоллиги, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардан бохабарлиги ва партия ҳаёти билан яқинлигини намоян этган номзодлар орасидан қуйидагилар голиб деб топилди:

**Биринчи ўрин** — Санжарбек Хўжамбердиев, Дангара тумани Молия бўлими ҳуқуқшуноси (Фаргона вилояти)

**Иккинчи ўрин** — Мунаввар Қобулова, 16-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси (Қорақалпоғистон Республикаси)

**Учинчи ўрин** — Хилола Салоева, "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси" журнали мухбири (Тошкент шаҳри)

Шунингдек, "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетасига обуна уюштиришдаги фаол иштироки, газетанинг сифатли

ва мазмунли чиқишида кўрсатган кўмаги учун "Адолат" СДПнинг Самарқанд вилояти Кенгашига газета таҳририяти томонидан компьютер жамламаси совға қилинди.

Викторина якунлари ҳамда голибларнинг фикрлари билан газетамизнинг келгуси сониде батафсил танишасиз.

Ўз мухбиримиз.







# Фаол аёллар — жамият кўрки ва таянчи

Эътироф

Ўтаётган йил мамлакатимизда ўзгача кўтаринки кайфият, ўзгача мамнуният билан яқун топаётган десам, янглишмаган бўлман. 2012 йилнинг Юртбошимиз томонидан “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилингани, табиики, бизга, биз қатори мамлакатимиздаги барча аёлларга кўрсатилган юксак ҳурмат ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлди. Бу яна бир бор инсон ва унинг манфаатлари ўстувор бўлган мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар аҳоли фаровонлиги, тинчлик-тотувлик, барқарорлик ва меҳр-муруватга қаратилаётганининг далолатидир.

Мустақиллик йилларида хотин-қизларни ҳуқуқий, маънавий, ижтимоий ҳимоялашга қаратилган юзга яқин миллий ва халқаро ҳужжатларнинг қабул қилиниши уларнинг жамият ҳаётида фаол қатнашишлари, ўз истеъдод ва имкониятларини тўла намоён этишлари учун мустаҳкам замин яратди. Ана шундай ғамхўрлик туфайли юртимизда оналар ва болалар саломатлиги тубдан яхшиланди. Аини пайтда аёлларимизнинг фарзанд тарбияси, оила юмушларидан ташқари жамоат ишлари, давлат қурилиши соҳасида ҳам фаол иштирок этишларига шароит яратилди.

Жамиятда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг Парламент ва ҳокимият бошқарув идораларидаги иштирокини кенгайтириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сайлов Тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига сиёсий партиялардан депутатликка кўрсатиладиган номзодларнинг қамиди ўттиз фоизини хотин-қизлар ташкил қилиши лозимлиги ҳусусидаги норманинг киритилиши бунинг ёрқин мисолидир.

Бу тасодифий ҳол эмас, балки мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, давлатимиз раҳбарининг шахсий ташаббуси, ғамхўрлиги ва эътибори туфайли оналик ва болаликни, оилани, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамиятдаги нуфузи, мавқеи, ижтимоий-сиёсий фаолликлари, мақоми ва ролини оширишга қаратилган изчил савъ-ҳаракатларнинг, бу борда олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг самарасидир.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ушбу имкониятдан унумли фойдалангани боис, 2004 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган сайловларда партия сафидан 3 нафар аёл Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган бўлса, 2009 йилнинг декабрида бўлиб ўтган сайловларда ушбу кўрсаткич 7 нафарга етди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги мавжуд партиялар фракциялари ичидан энг кичиги бўлишига қарамастан, бугунги кунда Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси таркибига аёл депутатлар сони энг кўпчиликти ташкил қилади.

Ҳар қандай жамиятда аёлларга бўлган муносабат, уларнинг қонуний ҳуқуқлари ҳимояси ўша жамият маънавиятини, умумий салоҳиятини белгилайди. Чунки аҳолининг фаровонлик даражаси, оилалар барқарорлиги, келажак авлод — фарзандлар тарбияси, иқтидори, жамиятдаги интеллектуал салоҳият, маънавият ва маданият, маърифат, қўйинги, барча жабҳаларда эришилган ютуқлар шу жамият тараққиётига хотин-қизларнинг қўшадиған хиссаси, уларнинг савияси, дунёқарashi, ўз салоҳиятларини намоён этишлари учун яратилган шарт-шароит, ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, бир сўз билан айтганда, ўша жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади.

Шу нуқтаи назардан, мустақил давлатимиз сиёсатида оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чин маънода ҳимоя қилиш масаласига марказий ўрин берилиши бежиз эмас.

Азал-азалдан бу муқаддас заминда аёллар улуғлаб келинган, хотин-қизларнинг энг шарафли, энг эзгу ва шу билан бирга, ўта мураккаб вазифаларни ечишга қодир бўлганлиги ҳусусида буюк тарихимиздан кўплаб мисоллар бизга маълум. “Аёл бир қўли билан бешикни, иккинчи қўли билан дунёни тебратди”, деган нақл ҳам тасодифан пайдо бўлмаган.

“Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони” шиори остида ўз фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси жамиятда аёллар учун яратилган имкониятлар кўламини янада кенгайтиришга, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб келмоқда.

Кези келганда ҳолисона тан олиш жоизки, истиқлолга эришганимиздан буён юртимиз хотин-қизларининг мавқеи кўпгаб узоқ ва яқиндаги хорижий давлат аёллари ҳавас қилса арзийдиган даражада орттиб бормоқда.

Ҳаётнинг ўзи олдимизга янги-янги талабларни қўймоқда. Атрофимизда содир бўлаётган воқеалар бизни огоҳ, сергак бўлиб яшашга, ватанпарвар бўлишга ундамоқда.

Демакки, муносиб ҳаётимизни, бугунги ва эртанги кунимизни белгилаб берувчи энг долзарб вазифалар ечимини, шубҳасиз, жамиятда етакчи кучлардан бири бўлмиш фаол аёллар салоҳиятига, уларнинг ижтимоий-сиёсий онига, жамият тараққиётидаги иштирокига бевоСИТА боғлиқдир.

Албатта, ҳуқуқий демократик жамиятда яшашнинг мажбурият, масъулият ва бурчлари ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Шу маънода ўзининг ҳаётий позициясига, кенг дунёқарашга эга бўлган етуқ, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол, ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга, бефарқ бўлмаган дахлдорлик туйғуси билан ашайдиган ёшларни тарбиялашда аёлларнинг алоҳида ўрни бор. Яъни, ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, чўқур билим ва малакага, юксак онг ва ривожланган тафаккурга эга бўлган оналаргина бундай вазифани уддалашга қодирдирлар.

Шу боисдан, Ўзбекистон “Адолат” СДП салоҳиятли, чўқур билим ва малакага эга бўлган хотин-қизларнинг давлат ҳокимиятининг барча жабҳалари ва даражаларида тенг ҳамда фаол иштирокини ҳақиқатда таъминлаш тарафдори ва ўз сафидан турли даражадаги аёл депутатлар сонини янада кўпайтириш орқали уларни жамият тараққиётига, ҳаётига кенг жалб қилишга астойдил ҳаракат қилиб келмоқда.

Зеро, қонун ижодкорлиги ва давлат бошқаруви соҳаларида раҳбар аёллар сонини кўпайтирмасдан туриб, ушбу масалаларни оқилона ҳал этиш, айниқса, аёллар — гендер сиёсати билан боғлиқ бўлган қатор муносабатларни тартибга солиш, мавжуд муаммолар ечимини топиш, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, оналик ва болаликнинг тўлиқ давлат ҳимоясида бўлишини таъминлаш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият тараққиётидаги тўлақонли иштирокини рўёбга чиқариш осон кечмайди.

“Кучли давлатдан кучли жамият сари” дадил интилар эканмиз, бизнинг “Адолат” СДП Хотин-қизлар ва ёшлар орасида олиб бораётган сиёсатида, оддийгина қилиб айтганда, бугунги серташвиш замоннинг пасту баландини инобатга олган ҳолда, айнан ота-оналарнинг фарзандлар тарбияси борасидаги бурчига алоҳида аҳамият қаратиб келмоқда. Чунки замонамиз ёшларининг қомил инсон бўлиб етишишлари учун жамиятимизда шароит ҳам, имконият ҳам бисёр, ундан фойдалана билиш ҳар бир оиланинг, ота-онанинг нафақат хоҳиш-иродасига, балки савиясига, маҳорати ва маънавиятига боғлиқ. Айнан шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ўсиб келаётган ёш авлоднинг, бўлажак ота-оналарнинг, шунингдек, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий онгини муттасил ошириб бориш, уларнинг салоҳиятларини жамият тараққиётига кенг жалб этиш устида мунтазам ва фаол иш олиб боришлари — бугунги куннинг, истиқлолнинг талабидир.

Ушбу масала кириб келаётган янги 2012 йил, — “Мустаҳкам оила йили”да бундан-да, долзарб аҳамият касб этишига ишончим қомил.

**Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг гули деб эъозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъозлаган бўламиз.**  
Испом **КАРИМОВ**

**Термиз “Барно қурилиш сервис”**  
кириб келаётган  
**Янги йил байрами**  
билан бутун  
Ўзбекистон халқини  
самимий қутлаб,  
Мустаҳкам оила  
йиллида ҳам қишлоқларимиз  
инфратузилмасини  
ривожлантиришда фаол  
қатнашишни ният қилган.

**Зухра БОТИРОВА,**  
Ўзбекистон “Адолат” СДП  
фракцияси аъзоси,  
тиббиёт фанлари доктори,  
профессор.

**“ТАХИАТОШ НЕФТЬ БАЗАСИ” УК ЖАМОАСИ**  
Янги йил байрами билан  
чин дилдан табриклайди  
ва қалб тўридаги барча эзгу ниятларини  
сизларга бахшида айлайди.  
2012 йил барчангиз учун қутлуғ келсин!

**“ТЎРТҚЎЛ УНИВЕРСАЛ УЛГЎРЖИ САВДО БАЗАСИ” МЧЖ ЖАМОАСИ**  
барча  
юртдошларимизни  
кириб келаётган  
**ЯНГИ**  
**2012 йил**  
билан чин дилдан  
муборакбод этади.  
Янги йил  
барчага  
олам-олам  
қувонч ва  
шодлик олиб  
келишини  
тилаймиз.





# Янги авлоднинг ишончли одимлари

◀ Давом. Боши 1-бетда

Бу бежиз эмас, албатта. Бугунги кунда "Шўртаннефтваз" унитар шўба корхонасида меҳнат қилаётган ёшлар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бекам куёт адо этиш билан бирга нефть ва газ санаяти технологиясини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги боис корхона иқтисоди йил сайин мустаҳкамланиб борапти. Ёшлар томонидан

**Бизнинг муқаддас вазифамиз — Ватан шону шуҳрати, қудрати ва салоҳиятининг юксалиши учун ўзимизнинг фидойи меҳнатимиз билан муносиб ҳисса қўшишдир.**

**Ислон КАРИМОВ**

ларини таъминлаш ташкилотимизнинг асосий вазифаси, — дейди техника-технология бўлими муҳандиси Озодбек Ўқтамбеков. —

Газ ҳайдаш цехи Шўртан-лотимизнинг асосий вазифаси, — дейди техника-технология бўлими муҳандиси Озодбек Ўқтамбеков. — Газ ҳайдаш курилмаларига Украинанинг Суми шаҳрида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар ўрнатилган, самарадорлик сезиларли даражада ортди. Бу ерда Россиянинг "ЦКБИ" очик акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда бир кеча-кундузда 3 тонна кўшимча конденсат олиш имконини берадиган технологияни жорий этиш бошлаб юборилди. Янги технология амалиётда қўлланила бошлангач, халқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулот микдори ва сифати сезиларли даражада ошди.

Сикув компрессор станцияси ҳам бугунги кунда малакали ва ёш мутахассислар томонидан бошқарилаёпти. Иншоотдаги туртта агрегат ҳам тулиқ лойиҳавий қувват билан ишлатилаёпти. Дунёнинг

устасига айланган, билимдон ёшларимиз курилмаларнинг ишлаш жараёнини кузатиб, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш хусусида янги-янги таклифларни ўртага ташламоқдалар.

Албатта, бугунги кунда корхонадаги барча жараёнлар компьютерлар орқали бошқарилиб, назорат қилинаётди. Аммо бу инсон омилнинг янада кучайганлигини кўрсатмоқда. Зеро, "ақлли машиналар"нинг самарадорлигини янада ошириш, "ақлини" чархлаш, уларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш борасида айнан ёшлар излашлари олиб бормоқдалар.

Табиийки, бозор иқтисоди шароитида қазиб олиниб, қайта ишланаётган маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш баробарида сарф-харажатларни камайтиришга асосий эътибор қаратилаётди. Бу эса ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Жумладан, истиклол



нинг моддий манфаатдорлигини ҳам яхшиламоқда. Ишчи ва хизматчилар саноатликларини муҳофаза

маси эса ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш имконини яратаяпти.

Соғ танда соғлом ақл, деб бежиз айтилмаган. Бевоҳита ишлаб чиқаришда бу ҳикмат янада кўпроқ аҳамият касб этади. Ахир жамоа аъзоларининг соғлом бўлиши ўз навбатида катта-катта маблағларни тежаб қолиш имкониятини яратаяпти.

Бунинг учун эса, энг аввало, меҳнатқашларнинг соғлигини вақтида тиббий кўриклардан ўтказиб туриш лозим. Чунки ҳар қандай меҳнат корхонасининг энг катта бойлиги бу энг аввало, унинг ходимларидир. Инсоннинг соғлигини ҳимоя қилишда ҳеч нима тиббий профилактика ва спортнинг ўрнини босолмайди. Шу мақсадда "Шўртаннефтваз" унитар шўба корхонаси жамоаси ёшларни ўртасида спорт-соғломлаштириш ишлари талаблар даражасида йўлга қўйилишида ҳам фаолларнинг хизмати катта бўлаяпти. Ишловчилар ўртасида спортнинг барча турлари бўйича мусобақалар йўлга қўйилгани, айниқса, диққатга сазовордир. Замонавий стадион, волейбол ва баскетбол майдончалари, тренажёр зали ёшлар ихтиёрида. Улар ўртасида спортнинг кўпгина турлари бўйича мусобақалар ташкил этилиб, ғолиблар касабга уюшмасининг қимматбаҳо совгалари билан тақдирланмоқдалар.

Албатта, қулай меҳнат шароити, ишчи-хизматчиларга корхона раҳбарияти, касабга уюшмаси томонидан

кўрсатилаётган гамхўрлик ўзининг ижобий натижаларини берапти. Жамоа ўтаётган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида эришган улкан муваффақиятлар, залворли кўрсаткичлар ҳам шундан шохидлик бериб турибди.

Президентимиз томонидан 2012 йилнинг Мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши "Шўртаннефтваз" унитар шўба корхонаси меҳнат жамоасининг, айниқса, ёшларнинг қувончига сабаб бўлди. Ахир келгуси йил учун белгилаб қўйилган улкан иқтисодий зафарлар билан бир қаторда қанчадан-қанча ёшлар айнан 2012 йилда оила қурадилар. Юртбошимиз Конституциямизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир" деб номланган маърузасида алоҳида қайд этиб ўтганидек: "Энди пайдо бўлган, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, уй-жой билан таъминлаш — буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда давлат ва жамиятимиз масъулдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз". "Шўртаннефтваз" унитар шўба корхонасида эса ёш оилаларга моддий-маънавий жиҳатдан ҳар томонлама кўмак бериб келинаётгани диққатга сазовор. Бундай эътибор келгуси йилда янада ошишига шубҳа йўқ. Бу эса ёш оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, йирик саноат корхоналарини ҳаракатга келтираётган, хонадонларга фаровонлик бахш этаётган табиий газ бойликлари қазиб, қайта ишлаб истеъмолчиларга етказиб бериш "Шўртаннефтваз" унитар шўба корхонаси ёшларининг ҳаёт муносиби айланган. Улар ана шундай гамхўрликка жавобан эл фаровонлиги, юрт равнақи йўлидаги улғур ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида бор қуч ва билимларини сарфламоқдалар.

Қахрамон ҚўЛДОШЕВ,  
"Adolat" мухбири.



янги-янги рационализаторлик таклифлари, ихтироларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилаётганлиги корхона келажаги ишончли кўларда эканлигидан далолат берапти.

Ўтган йиллар мобайнида устозимиз, малакали муҳандис Турғун Холматов раҳбарлигида ўнлаб технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этдик. — Кўлга киритилаётган



Келажақ ёшларники. Буни чуқур тушуниб етган жамоада ҳам иқтидорли, салоҳиятли ёшларга алоҳида эътибор қаратилаёпти. Корхонада "Ёш мутахассислар ташкилоти" фаолият кўрсатаётгани эса 300 нафарга яқин билимдон ва фаол ёшларнинг аниқ мақсадлар асосида ишлашларини таъминлаб бермоқда. Улар иштирокида "Табиий газ таркибидан пропан бутан аралашмасини ажратиш" қурилмасининг учинчи ва тўртинчи навбати қурилиши бошлаб юборилди. Бундан ташқари, ёшлар углеводородли газни конденсатдан тозалаш ва қуриш қурилмасининг янги навбатини бунёд қилишда ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар.

— Иқтидорли ёшларнинг билим ва малакаларини оширишга кўмаклашиш, улар томонидан яратилаётган янгилликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, корхонамиздаги жамоат ишларида фаол қатнашиш-

ютуқларимизда ёшларнинг ҳиссалари катта, — дейди газдан пропан-бутан аралашмасини ажратиш олиш цехи бошлиғи, тажрибали мутахассис Ўқтам Нуриддинов. — Жамоамизда 120 киши меҳнат қилади. Шундан 80 нафари ёш мутахассислардир. Шогирдларимизнинг интилишлари, ташаббускорликлари мени ҳайратга солади. Ўнга яқин ёш ишчилар хориз компанияларига малака ошириш учун юборилдилар. Цехимиздаги барча жараёнлар автоматлаштирилиб, компьютерлаштирилган. Бир кеча-кундузда 260-270 тонна пропан-бутан аралашмаси ажратиб олинади. 2-қурилмаимизда "Шўртангаз маҳсулот" қўшма корхона ташкил этилган, ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, маҳсулот сифати янада яхшиланди. Йилнинг иккинчи ярмида қурилманинг учинчи ва тўртинчи навбатлари ишга тушган, маҳсулот яна 100 тоннага кўпайди.

— "Ўзбекнефтваз" Миллий холдинг компанияси қошидаги "Ўқув маркази"да ёш мутахассисларимиз мунтазам равишда билим ва малакаларини оширишда, — дейди "Шўртаннефтваз" унитар шўба корхонаси техника бўлимининг етакчи муҳандиси Турғун Холматов. — 1000 га яқин ёшлар 26 та мутахассислик бўйича малака ошириб қайтилди. Ўз касбининг

энг илғор технологиялари билан жиҳозланган станциянинг қисқа фурсатда фойдаланишга топширилиши соҳа ходимларининг ўз ишларини жаҳон талаблари даражасида ўзлаштиришлари натижасидир. Қувонарлиси, замонавий илғор технологиялар асосида яратилган компрессорларнинг ишлашини синаб кўриш, технологик регламент асосида тулиқ ишга қўшишдек масъулиятли вазифани корхонада меҳнат қилаётган маҳаллий мутахассислар амалга оширишди.

— "Ўзбекнефтваз" Миллий холдинг компанияси қошидаги "Ўқув маркази"да ёш мутахассисларимиз мунтазам равишда билим ва малакаларини оширишда, — дейди "Шўртаннефтваз" унитар шўба корхонаси техника бўлимининг етакчи муҳандиси Турғун Холматов. — 1000 га яқин ёшлар 26 та мутахассислик бўйича малака ошириб қайтилди. Ўз касбининг

йилларида ёш мутахассисларнинг изланишлари натижасида 40 миллион сўмдан ортиқ маблағ тежаб қолинди.

Доимо янгилик сари интилиш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва замонавийлаштириш маҳсулот сифатини оширишга қолмасдан, жамоа аъзолари-

қилиш, улар ўртасида маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишларини ташкил этиш, илғорларни рағбатлантириш, кам таъминланган оилаларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бевоҳита самарали меҳнат туфайлидир. Буларнинг ҳам-



Табрик



# Pharmed sanoat

## хусусий корхонаси жамоаси

Ватандошларимизни  
Янги — 2012 йил билан  
чин кўнгулдан қутлайди.

Янги йилда сизларга ҳамиша омад ёр бўлсин,  
байрам кайфияти йил бўйи тарқатмасин.

Яна бир бор  
Янги йилингуз муборак бўлсин,  
азиз юртдошлар!



### «ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ жамоаси



барча юртдошларимизни  
**Янги йил айёми**  
билан самимий қутлайди.

2012 йил — Мустаҳкам оила  
йили хонадонингизга тинчлик,  
дастурхонингизга қут-барақа,  
мустаҳкам соғлиқ,  
бахт ва омад ҳадея қилсин.



Янги йилда  
барча орзу-  
истакларимиз  
ижобат  
бўлсин.

Хурматли юртдошлар!

### «Асака» банки (ОАЖ)



Сизларни кириб келаётган  
**2012 йил билан**  
чин қалбдан табриқлайди.

Ҳаммага сиҳат-саломатлик,  
оилавий бахт, эзгу ниятларининг  
рўёбга чиқишини тилайди.

Янги — 2012 йилда  
Ватанимиз янада обод, шон-шўхрати  
бундан-да юксалишига тилакдошмиз!

